

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МИРЗАКАРИМОВА МАЛОХАТ АБДУВАХИТОВНА

**АТМОСФЕРА ҲАВОСИ КИМЁВИЙ МОДДАЛАРНИНГ
ОРГАНИЗМГА ХАВФЛИЛИК ТАЪСИРИНИ КОМПЛЕКС
БИОЛОГИК-ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА (DSc)
ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/Tib214 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги санитария гигиена ва касб касалликлари Илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» «Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Камилова Роза Толановна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Худайберганов Анатолий Сагатбаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Зарединов Дамир Арифович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Усманов Ислам Аббасович

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Корё университети (Жанубий Корёя)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г. И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж. Эрматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Ж. Усманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ишлаб чиқаришнинг салбий омилларни атроф муҳитга кўрсатаётган таъсирини кескин ортиши, алоҳида минтақаларда аҳолининг яшаш шароитини элементар гигиеник талабларга мос келмаслиги, ҳаво, сув, тупроқ, ўсимликларни кимёвий захарли моддалар билан ифлосланиши, аҳоли орасида касалланишни ортишига сабаб бўлиб хизмат қилади, шунингдек, болалар ва ўсмирлар орасида туғма нуқсонлар сонини ҳамда имконияти чегараланган болалар сонини ортишига олиб келади. ЖССТ маълумотларига кўра ҳар йили дунёда 38 млн киши юқумсиз касалликлардан нобуд бўлади¹. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш улушининг 80-90% ини канцероген ва ноканцероген хавф йиғиндиси ташкил этади, бу эса атроф-муҳит омиллари таъсирига боғлиқ бўлади².

Жаҳонда атмосфера ҳавоси кимёвий моддаларнинг организмга хавфли таъсирини комплекс биологик-гигиеник баҳолаш профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқишни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Янги ишлаб чиқариш корхоналари ва қишлоқ хўжалиги кимёвий моддаларнинг бинар ҳамда 3 та ёки 4 та компонентдан ташкил топган мураккаб аралашмаларни ингаляцион таъсири тажриба ҳайвонлари организмга комбинациялашган таъсир тавсифини, кимёвий моддаларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам ингаляцион ва ҳам оғиз орқали киргандаги комплекс таъсир тавсифини кимёвий агентлар ва физикавий омиллар (иссиқ иқлим шароитлари учун) биргаликдаги таъсир коэффициенти ишлаб чиқиш масаласи алоҳида диққатга сазовор бўлган муҳим вазифалардан биридир.

Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳит омиллари билан боғлиқ касалликларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора–тадбирларни тадбиқ этиш, касалланиш кўрсаткичларини камайтириш, атмосфера ҳавосини ифлосланиши билан боғлиқ бўлган касалликларни олдини олиш ва ҳаёт давомийлигини ошириш...»³ каби вазифалар юклатилган. Ушбу вазифаларни бажаришда ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида туғма ва ирсий касалликлар профилактикаси ва ташхисоти, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва атмосфера ҳавосини ифлосланишини олдини олишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали аҳоли орасида касалланиш даражасини камайтириш ва узоқ-умр кўриш даражасини ошириш имконини беради.

¹ Доклад о ситуации в области неинфекционных заболеваний в мире. Available at: <http://www.who.int/nmh/publications/ncd-status-report-2014> (24).

² Рахманин Ю.А. Актуализация проблемы экологии человека и гигиены окружающей среды и пути их решения // Гигиена и санитария, 2012; 5; 4-8.

³ «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги (2015), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1996), «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1992), «Экологик назорат тўғрисида»ги (2013), «Экологик экспертиза тўғрисида»ги (2000) Қонунларида; Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) ва ПФ-5024-сонли «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2017) Фармонларида; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 377-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 377-сонли Ўзбекистон Республикасида йўл ҳавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида (2018) ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Гиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи⁴. Атмосфера ҳавоси кимёвий моддаларнинг организмга хавфлилик таъсирини комплекс биологик-гигиеник баҳолаш профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: А.Н. Сысин номидаги ОЭ ва ОМГ ИТИ, РФ; West Virginia University, University of California (АҚШ); Silesian University of Technology, University Silesia (Польша); Nanjing Medical University, China Medical University, Zhengzhou University, Nankai University, University Hong Kong (Хитой); Universidade Federal do Rio Grande do Sul (Бразилия); University of New South Wales (Австралия); University of Jahangirnagar (Бангладеш); Autynoma de San Luis Potosi (Мексика); University of Calgary, University of Manitoba, Dalhousie University (Канада); University of Tokyo (Япония); Erasmus University Rotterdam (Голландия); Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида олиб борилмоқда (Ўзбекистон).

Атмосфера ҳавоси кимёвий моддаларнинг организмга хавфлилик таъсирини комплекс биологик-гигиеник баҳолаш профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқишни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: атмосфера ҳавосини

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.sysin.ru; www.scemz.ru; www.universityofcalifornia.edu; www.vanderbilt.edu; www.rutgers.edu; www.ouhsc.edu; www.umich.edu; www.ucalgary.ca; www.en.tongji.edu.cn; www.cuhk.edu.hk; www.yamanashi.ac.jp; www.nymue.ym.edu.tw; www.ed.ac.au; www.lunduniversity.lu.se; www.sdu.dk; www.upf.edu; www.uva.nl; www.osu.edu; www.sum.edu.pl; www.unina.it; www.en.uoa.gr; www.sydney.edu.au ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

ифифлослантирувчи 1500 дан ортиқ органик ва неорганик кимёвий моддалар ва уларнинг бирикмаларини кичик миқдорда организмга биологик токсикологик таъсири ўрганилди. Уларнинг организмга рефлектор ва резорбтив йўл билан ўткур ва суриналик таъсири исботланди. Хавфлик даражаси ва атмосфера ҳавоси гигиеник регламентлари РЭМ, ОБУВ ишлаб чиқилган А.Н.Сысин номидаги ОЭ ва ОМГ ИТИ, (Россия) атмосфера ҳавосини оғир металл тузлари билан ифлосланиши ва унинг бурғаловчилар организмга салбий таъсири исботланган Nankai University (Хитой); ўпканинг сурункали обструктив касалликларнинг зўриқишида атмосфера ҳавосининг асосий зарарловчи моддалари ўрни асосланган University Hong Kong (Хитой); нефт ва газ маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқиндиларини атмосфера ҳавосига чиқарилиши оқибатида юрак-қон томир тизими ривожланишининг хавф омиллари исботланган University Silesia (Польша); атмосфера ҳавосининг ифлосланиши асаб тизимининг касалликларини ривожланиш хавфи билан ўртасидаги ўзаро боғлиқлик исботланган University Manitoba (Канада); сурункали касалликларни кенг миқёсда ривожланиши атмосфера ҳавосини ифлосланиши билан боғлиқлиги исботланган University of Tokyo (Япония); хавфлик омилларининг таъсири саломатлик ҳолатининг издан чиқиши (чангланиши, газланиши) ва турли касалликларни ривожланиши ва ногиронликка олиб келиши асосланган Erasmus University Rotterdam, (Голландия) ва Universidade Federal do Rio Grande do Sul (Бразилия); атмосфера ҳавоси кимёвий моддаларнинг организмга хавфлилик таъсирини комплекс баҳолаш профилактик чора-тадбирларини Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида тизимлаштирилган (Ўзбекистон).

Дунёда атмосфера ҳавоси кимёвий моддаларнинг организмга хавфлилик таъсирини комплекс биологик-гигиеник баҳолаш профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқишни илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, аҳоли саломатлик ҳолатига атмосфера ҳавосидаги кимёвий моддаларни таъсир хавфини камайтиришга ва атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган илмий асосланган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; экологик мониторингни такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар ва аҳоли саломатлигига атмосфера ҳавосининг кимёвий ингредиентлар билан ифлосланиш таъсир хавфини комплекс баҳолаш таълимотини ишлаб чиқишни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий ва хорижий манбаларда кимёвий моддалар (ҳавони газ, чанг ва буғсимон ифлослантирувчи моддалар, пестицидлар (хлор- ва фосфорорганик бирикмалар, карбаматлар, пиретроидлар ва бошқа бирикмалар) ни юқори концентрация ва миқдор даражасида тажриба ҳайвонлари организмга ингаляцион йўл билан тушганда юзага келадиган биокимёвий, физиологик, гематологик, гонадо- ва эмбриотоксик кўрсаткичларга кўрсатадиган таъсирига оид кўплаб масалалар етарли даражада кенг ёритиб берилган.

Иш худуди хавосида ўртача ўлим концентрацияси (CL_{50}), ўртача ўлим миқдори (DL_{50}), ўткир таъсир бўсағаси (Lim_{ac}), хавфлилик синфи ва ишчи минтақада хавосидаги рухсат этилган концентрация (РЭМ) аниқланди (Лазерев Н.В. ва бошқ., 1976; Кустов В.В., Тиунов Л.А., Васильев Г.А., 1975; Мельников Н.Н., 1987; Искандаров Т.И., Ибрагимова Г.З., Шамансурова Х.Ш., 2011; Искандаров Т.И., Романова Х.Л., Искандарова Г.Т., 2015; Садиков А.У., Хамракулова М.А., 2015). Тажриба хайвонлари организмига кимёвий моддалар таъсирини кам ўрганилган бўлиб, бу айниқса бинар ва мураккаб аралашмаларни биргаликдаги таъсири шароитида янада яққол намоён бўлади. Бундан ташқари, физик ва кимёвий омилларни биргаликдаги таъсир характери етарли даражада ўрганилмаган ва моддаларнинг биргаликдаги ва комбинациялашган таъсир коэффициенти ҳамда РЭКга тўғрилашлар, хавфлилик синфлари ва заҳира коэффициенти ишлаб чиқилмаган. Аҳоли саломатлик ҳолатига атмосфера ҳавоси ифлослантирувчиларини таъсири тўғрисидаги мавжуд бўлган кўп сонли маълумотлар жуда кўп ҳолатларда фақат алоҳида кимёвий моддалар таъсири учун асослангандир [Кареев Г.В. ва бошқ., 2010]. Ҳақиқатда инсон комплекс омиллар таъсирига, жумладан, организмга ингалицион комбинирланган йўл билан тушган турли кимёвий моддалар аралашмасининг таъсирига учрайди. Аҳоли саломатлиги учун алоҳида хавф туғдирувчи атмосфера ҳавосини кимёвий ифлослантирувчилар сезиларли даражада турғун бўлади ва кимёвий моддалар катта миқдорларда биотўпланиш хусусиятига эгадир: бундай моддалар канцероген ёки мутаген хусусиятга эга бўлади, жумладан репродуктив, эндокрин, иммун, юрак қон томир, нафас ва асаб тизимларига нобуд қилувчи таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси саноат шаҳарлар аҳолисининг саломатлик ҳолатига атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи кимёвий моддаларни таъсирининг хавфини баҳолаш бўйича таълимотлар ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг ИТСС–24.1 «Янги пестицидларни ва минерал маъданларни хавода, сувда, тупроқда, озука маҳсулотларида эколого-гигиеник меъёрлаш ва уларни қўллашда инсон атроф муҳитини ва аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш тавсияномаларини ҳамда уларни миқдорий аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш» (2009–2011 йиллар) Давлат амалий грант лойиҳаси режасига мувофиқ бажарилган).⁵

Тадқиқотнинг мақсади: атмосфера ҳавосини янги ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик аэроген кимёвий ифлослантирувчиларини биологик таъсир тавсифини, организмга атмосфера ҳавоси кимёвий моддалар таъсир хавфини комплекс гигиеник баҳолаш ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

⁵ т.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикаси ФА академиги ИТСС-24.1 лойиҳаси раҳбари Искандаровга Т.И., т.ф.д., профессор Камилъджановга А.Х., ва илмий тадқиқотларни ўтказишда ёрдам берган лойиҳа, иштирокчиларига ўзимни миннатдорчилик билдираман.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир катор газ, чанг ва буғсимон кимёвий моддаларни реффлектор ва резорбтив таъсир тавсифини ўрнатиш ва уларнинг алоҳидаланган таъсирида атмосфера ҳавосидаги РЭМ ни ишлаб чиқиш;

бинар ва мураккаб аралашмаларнинг (3 та ёки 4 та компонентдан) ташкил топган ингалицион таъсир шароитида кимёвий моддаларнинг тажриба ҳайвонлари организмга таъсирини баҳолаш асосида гигиеник коэффицентларини ишлаб чиқиш;

ингалицион ва меъдага таъсир шароитида тажриба ҳайвонлари организмга кимёвий моддаларнинг комплекс таъсирини баҳолаш асосида гигиеник коэффицентларини ишлаб чиқиш;

тажриба шароитида кимёвий моддалар ва физик омилларнинг биргаликдаги таъсир характерини, ўртача (18-21°C) ва юқори (32-38°C) ҳаво ҳарорати шароитида аниқлаш, ҳамда иссиқ иқлим шароити учун заҳира коэффиценти асослаган ҳолда, кимёвий моддаларни биргаликдаги таъсир коэффицентларини ишлаб чиқиш;

метаболик жараёнларни коррекция қилиш йўли билан кимёвий моддаларни заҳарли таъсирини камайтиришга қаратилган патогенетик профилактик усулларини ишлаб чиқиш;

аҳоли саломатлик ҳолатига атмосфера ҳавосидаги кимёвий моддаларни таъсир хавфини камайтириш ва атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган илмий асосланган соғломлаштирувчи чора–тадбирлар, санитар қоида ва меъёр, гигиеник регламент, услубий кўрсатма ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

экологик мониторингни такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар ва аҳоли саломатлигига атмосфера ҳавосининг кимёвий ингредиентлар билан ифлосланиш таъсир хавфини комплекс баҳолаш таълимотини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган агрохимик моддалар ҳамда саноат корхоналари, автомагистрал, Тошкент шаҳар аҳоли яшаш зоналарида учрайдиган атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи жаъми 35 та кимёвий моддалар (Далзлак-Т, Далинка, Ривож, СДД, АТИ-72, Гумигрен, Навруз, ГМТА-О-ОФМФ азот-фосфорли ўғитлар чанги-АФУ, фтор водороди ва фтор брикмалари, ун, тахта чанглари, вискозли ва ацетат ипак чанги, капрон чанги, кўрғошин-цинк поли металл чанги, 10 мкм дан кичик чангсимон модда ва бошқалар); болалар (0 дан 18 ёшга қадар) ва катта ёшдигилар волонтерлар (18 дан 50 ёшга қадар) тажриба ҳайвонлари (каламуш ва денгиз чўчқалари) ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети организмга резорбтив (юқори, ўрта ва паст концентрация даражасида) ва реффлектор (қисқа муддатли) таъсир давомида янги кимёвий моддаларни заҳарлилиги ва хавфлилигини ўрганиш, бунда «концентрация–самара» ва «концентрация–вақт–самара» усулига боғлиқ ҳолда материаллар олинган. 2000-2015 йил давомида Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси ифлосланиш ҳолати Давлат экология ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давлат гидрометеориология маркази, Давлат санитария эпидимиологик назорат маркази материалалари асосида ўрганилди. 2000-

2015 йиллар давомида болалар ва катталар статистик ва саломатлик институти маълумотлари асосида ўрганилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва асосий мақсадга эришиш учун гигиеник, токсикологик, биокимёвий, кимёвий, статистик ва аналитик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бизнинг мамлакатимизда организмга янги аэроген кимёвий моддаларни тиббий–биологик ва гигиеник нуқтаи назардан таъсирини баҳолаш бўйича янги меъёрий услубий хужжатлар (СанҚваМлар, ДавСТлари, гигиеник регламентлар, гигиеник тавсиялар, гигиеник кўрсатмалар, услубий йўриқнома кўрсатмалари) жамланмаси ва соғломлаштирувчи чора–тадбирлар ишлаб чиқилган;

атмосфера ҳавосидаги 35 та кимёвий ифлослантирувчилар учун максимал бир марталик, ўртача кунлик, ўртача ойлик ва ўртача йиллик РЭК ларини илк бор вақт бўйича дифференцияланган гигиеник меъёри, ишлаб чиқилган;

илк бор Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган 1, 2, 3, 4 хавфлилик синфига кирувчи, 3 ва 4 та компонентдан ташкил топган аэрозол, буғ ва газ шаклдаги кимёвий моддалардан ташкил топган 6 нафар бинар ва мураккаб аралашмалар учун гигиеник меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган;

илк бор мавжуд бўлган «концентрация–вақт» ва «концентрация–вақт–самара» усуллари бўйича организмга кимёвий моддаларни алоҳида ва комбинациялашган ҳолатда тушишида биологик таъсир характерини баҳолаш бўйича тажриба тадқиқотларида олинган натижалар бир–бирига жуда яқин ёки ўзаро мослиги, «концентрация–вақт–самара», «концентрация–вақт–самара» боғлиқлик усули 2,5-3 баробар фойдали ва тежамкорлиги исботланган;

организмга узоқ вақт ингаляцион йўл билан тушишда атмосфера ҳавосини кимёвий ифлослантирувчилар таъсирига жавоб ва бошқа гепатологик, физиологик, биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгаришлар эҳтимоллигини ҳисобга олган ҳолда организмнинг адаптацион ва мослашувчанлик–компенсатор реакцияларини баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган;

ҳавони ишлаб чиқариш корхона ва автотранспорт чиқиндилари билан ифлосланиш хавфи ва таъсир даражаси бўйича кимёвий моддаларни аҳоли саломатлиги учун хавфини, ксенобиотиклар билан атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражаси нуқтаи назардан баҳолаш тизими яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қишлоқ хўжалигида Далинка, Ривож ва ССД ксенобиотикларини, АФЎ ва Наврўз ўсимликлар ўсишини бошқарувчи воситани қўллашда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ва гигиеник меъёрлар ишлаб чиқилган;

алоҳидалашган таъсирда атмосфера ҳавосида 35 та газ-, буғ- ва чангсимон моддаларнинг хавфлилик синфи ва захарлилик хусусияти белгиланган ҳамда уларнинг атмосфера ҳавосида вақт бўйича дифференцияларган (максимал бир марталик, ўртача кунлик, ўртача ойлик ва ўртача йиллик) гигиеник меъёрлари ишлаб чиқилган;

газ-, буғ- ва чангсимон моддаларни комбинациялашган, комплекс ва биргаликдаги таъсирини баҳолашга илмий ёндошув асосланган ва уларни гигиеник регламентлари (комбинациялашган таъсир коэффициенти, комплекс таъсир коэффициенти, захира таъсир коэффициенти) белгиланган;

кимёвий моддаларнинг максимал бир марталик, ўртача кунлик, ўртача ойлик ва ўртача йиллик миқдори, ҳавфлилик синфи ва гигиеник меъёрлардан юқорилик даражасига боғлиқ ҳолда саноатлашган шаҳарлар атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражаси ҳавфлилигини баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган;

тажриба ҳайвонлари ва назорат гуруҳларидан олинган гематологик, биокимёвий ва бошқа кўрсаткичларини статистик ишончли силжишлар даражасига боғлиқ ҳолда, организмни компенсатор–мослашувчанлик ва адаптацион реакция шкаласи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг иқлим ва географик хусусиятларини инобатга олган ҳолда аҳоли саломатлигини атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи кимёвий моддалар таъсирининг ҳавфини баҳолаш таълимоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги оқилона назарий ёндошув ва усулларнинг қўлланганлиги; етарлича миқдорда текширувдан ўтказилган тажриба ҳайвонлар сонидан фойдаланган; ўзаро бир-бирини тўлдирувчи замонавий гигиеник, токсикологик, кимёвий, биокимёвий, гематологик, аналитик ва статистик тадқиқот усулларининг қўлланиши; хориждаги ҳамда мамлакатимиздаги муаллифлар илмий ишларининг қиёсий таҳлили ўтказилганлиги билан тасдиқланади; хулоса ва олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти тажриба ҳайвонларига кўрғошин ацетати, водород фторид, формальдегид, аммиак, олтингугурт икки оксиди, азот икки оксиди, фенол, муаллақ моддалар ва чангни турли орган ва функционал тизимларига алоҳида комбинациялашган, комплекс ҳолда ва биргаликда тушишида, уларнинг кўрсатадиган таъсирини патогенетик механизмларини баъзи аспектларини ўрнатилиши ва шу йўналишдаги билимларни сезиларли ошишига олиб келиши билан намоён бўлганлиги билан изоҳланади. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқот натижасида 4 та Санитар қоида ва меъёр (СанҚваМ), 11 та услубий тавсиялар, услубий йўриқнома кўрсатмалари каби меъёрий услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан Давлат санитария эпидемиология назорати марказларида фаолият юритувчи ходимларнинг амалий фаолиятида, Давлат экология қўмитаси ва Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига қарашли муассасалар фаолиятида қўллаш, Тошкент тиббиёт академияси ва бошқа тиббиёт ОЎЮ лар ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти гигиена кафедраларида ҳамда ОЎЮ лар экология кафедраларида ўқув жараёнида қўллаш имконини беради. Мазкур маълумотларни амалий соғлиқни сақлашга жорий этиш саноат шаҳарлари ва аҳоли турар жой минтақаларида истиқомат қилувчи аҳолининг саломатлик ҳолатига атмосфера ифлослантирувчи-

ларининг комплекс таъсир хавфини пасайтиришга ва аҳолини экологик хавфсизлигини оширишга имкон беради, бу эса биргаликда ижтимоий, табиатни муҳофаза қилувчи, эколого-гигиеник ва халқ хўжалиги самарадорлигини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Атмосфера ҳавоси кимёвий моддаларнинг организмга хавфлилик таъсирини комплекс биологик-гигиеник баҳолаш профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқишни илмий асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудуди аҳоли турар жой минтақалари атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган концентрацияси (РЭК) рўйхати» (0179–04 сонли СанМваК) тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-д/250-сонли маълумотномаси). Мазкур меъёрий ҳужжат мамлакатимизнинг аҳоли турар жойларида атомосфера ҳавосини ифлослантирувчи кимёвий моддаларнинг рухсат этилган меъёрларини ишлаб чиқиш имконини берган;

«Аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосида «Далзлак-Т» нинг рухсат этилган концентрациясини асослаш бўйича тажриба материаллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-д/250-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавоси таркибида «Далзлак-Т» нинг рухсат этилган концентрациясини гигиеник тажрибалар асосида меъёрлаштириш имконини берган;

«Аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосида Наврўз нинг рухсат этилган концентрациясини (РЭК) асослаш бўйича тажриба материаллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-д/250-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавоси таркибида «Наврўз» кимёвий моддасининг рухсат этилган концентрациясини гигиеник тажрибалар асосида меъёрлаштириш имконини берган;

«Аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосида ксенобиотикларнинг гигиеник регламентларини белгилаш ва биологик таъсирини баҳолашга асосий илмий ёндашувлар» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-д/250-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аҳоли турар жойлари атомосфера ҳавоси таркибида ксенобиотикларнинг рухсат этилган концентрациясини меъёрлаштириш имконини берган;

«Аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосида азот фосфор ўғитлари чангининг рухсат этилган миқдорини (РЭМ) асослаш бўйича тажриба материаллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-д/250-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аҳоли турар жойлари атомосфера ҳавоси азот фосфор ўғитлар чангининг рухсат этилган концентрациясини меъёрлаштириш имконини берган;

«Ишлаб чиқариш корхоналари ва автотранспорт чиқиндилари билан атмосфера ҳавосини ифлосланиш хавфи ва таъсир даражаси бўйича кимёвий

моддаларни аҳоли саломатлиги учун хавфини баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-д/250-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосини ишлаб чиқариш корхоналари ва автотранспорт чиқиндилари билан ифлосланишини рухсат этилган концентрациясини меъёрлаштириш имконини берган;

атмосфера ҳавоси кимёвий моддаларнинг организмга хавфлилик таъсирини комплекс биологик-гигиеник баҳолаш профилактик чоратадбирларини ишлаб чиқишни илмий асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Давлат экология қўмитаси ва Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 8н-з/239-сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши газ-, буғ- ва чангсимон кимёвий моддаларнинг турли хавфлилик синфини алоҳидалашган, комбинацион, комплекс ва биргаликдаги таъсирини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган гигиеник меъёрлар, услубий кўрсатмалар, услубий тавсиялар Республиканинг саноатлашган ва автотранспорт чиқиндилри билан юқори даражада ифлосланган шаҳарларида атмосфера ҳавосини мониторинги бўйича олиб борилган ишлар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 21 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 62 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Замонавий шароитда атмосфера ҳавоси гигиенаси ва аҳоли саломатлиги**» деб номланган биринчи бобида аҳоли саломатлигининг замонавий кўрсаткичларига атроф-муҳит омилларининг таъсири, шунингдек, атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, ўсимликлар, озик овқат маҳсулотларини аҳоли ва келгуси авлодлар саломатлигини сақлашдаги, аҳоли саломатлигини шакллантиришдаги асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланиши тўғрисидаги илмий маълумотлар; кимёвий моддаларни инсонлар организмга тушиш йўллари, моддаларнинг алоҳидалашган, комбинациялашган, комплекс ва биргаликдаги таъсирини ҳисобга олган ҳолда; аҳоли пунктлари ва шаҳарлар атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи кимёвий моддаларни инсонлар саломатлиги учун хавфини таҳлил қилиш асосида тадқиқотларни ташкил этишни ўзига хослиги ва атмосферани ифлослантирувчи моддалар меъёрларини мўтадиллаштириш тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Атмосфера ҳавоси кимёвий моддаларнинг организмга хавфлилик таъсирини комплекс биологик-гигиеник баҳолаш профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида кўрсатилганки, экспериментал тадқиқотлар ССВ томонидан тасдиқланган «Аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган концентрациясини (РЭК) асослаш бўйича услубий тавсиялар» (Тошкент, 1995), «Атроф-муҳитни ифлослантирувчи кимёвий моддалар таъсирида аҳоли саломатлиги учун хавфни баҳолаш бўйича қўлланма» (Москва, 2004), «Аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар қиёсий-ҳавфсиз таъсир даражаси (ОБУВ)ни ўрнатиш бўйича услубий кўрсатма» (ГА 2.1.6.696-98 РФ, Москва, 1998) ва «Атмосфера ҳавосини ифлосланиши устидан назорат бўйича қўлланма» ва «Аҳоли саломатлигини ўрганиш усуллари» (Тошкент, 1995) да келтирилган талабларга мос ҳолда олиб борилди.

Токсикантларнинг рефлексор таъсири Н.Г.Андрейшева томонидан тақриф этилган (1971) ва энг кичик квадратларнинг аналитик усули (Тепикина Л.А., 1982), шунингдек, Шнейдер Орелли формуласидан фойдаланган ҳолда (Тепикина Л.А., 1987) ўрганилди.

Ҳид бўсағасини аниқлаш учун қуйидаги препаратларнинг 8 та концентрацияси бўйича тадқиқотлар олиб борилди, улар: Далзлак-Т (1,15дан 0,04 мг/м³), Ривож (1,35 дан 0,05 мг/м³), Далинка (1,30 дан 0,03 мг/м³), Навруз (2,45 дан 0,04 мг/м³), Гумигрен (2,45дан 0,09 мг/м³), водород фторид (0,5 дан 0,015 мг/м³), ГМТА-О-ОФИД (1,57 дан 0,11 гача мг/м³), АТИ-72 (1,40 дан 0,06 мг/м³ гача). Тадқиқотлар 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган 25-27 нафар кўнгиллиларда ўтказилди, уларнинг субъектив мушоҳадалари асосида ҳиднинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра В.А.Рязанов, К.Е.Буштуева, Ю.В.Новикова (1961) усули бўйича аниқланди. Жами бўлиб 8 турдаги токсикантларнинг 64 хилдаги концентрацияси аниқланди.

Резорбтив таъсир қилувчи токсикантларнинг умумзаҳарли таъсири икки турдаги услубий схема бўйича ўрганилди: анъанавий («концентрация-самара» га боғлиқ ҳолда токсикантларнинг кичик концентрацияларда,

сурункали равишда 3-4 ой мобайнида сутка давомида узлуксиз ингаляцион заҳарлаш) ва қисқамуддатли профессор М.А.Пинигин томонидан таклиф этилган схема асосида «концентрация-вақт-самара» усули ўтказилди.

Ҳомиладор каламушлар организмга токсикантларнинг эмбриотоксик таъсири «она-ҳомила-янги туғилган чақалоқ» схемаси бўйича 21 кунлик тажриба ва денгиз чўчқаларида 30 кунлик тажрибада заҳарларнинг аллерген-сенсibiliзация таъсири ўрганилди, бунда хаводаги ишлаб чиқариш аллергенларини гигиеник меъёрлаштириш бўйича қўйилган тадқиқотлар услубий тавсияларга мос ҳолда олиб борилди (Алексеева О.Г., Дуева Л.А., 1978).

Модданинг токсикодинамикасига мос ҳолда тажрибада лаборатор ҳайвонларида гематологик, физиологик, биокимёвий, гонадотоксик кўрсаткичлар, жумладан: периферик қондаги гемоглобинлар, эритроцитлар ва лейкоцитлар ўрганилди; Павленко С.М., модификациясидаги Спиранский С.В., (1975) усули бўйича «Импульс» электрон аппаратида йиғинди-бўсаға кўрсаткичлар (ЙБК); Кривогилаза Б.Н., (1965) усули бўйича янги қондаги холинэстераза (ХЭ) фаоллиги; Бах ва Зубкова (1968) усули бўйича қондаги каталаза фаоллиги; Рубина Х.Н., ва Романчук Л.А., (1961) усули бўйича қондаги SH- уруҳ миқдорини аниқлаш; Рейману-Френкелю (1982) усули бўйича қон зардобида аминотрансферзалар (АЛТ, АСТ) фаоллигини аниқлаш; Яхнина А.Н., (1962) модификациясидаги Богданский усули бўйича қон зардобида ишқорий фосфатаза (ИФ) фаоллигини аниқлаш; Варбур (1968) тести ёрдамида қон зардобида сорбитолдегидрогеназа (СДГ) фаоллигини аниқлаш; спектрофотометрик усул билан лактатдегидрогеназа (ЛДГ)ни аниқлаш; Умбрайт (1969) усули бўйича пирозум кислотани (ПУК) ва Баркер ҳамда Самперсан усули бўйича сут кислота даражасини аниқлаш; Андреева И.А., ва ҳаммуаллифлар томонидан таклиф этилган усул билан малон диальдегид (МДА); «Лахем» тест тизими ёрдамида қон зардобида мочевина миқдорини аниқлаш; Саноцкий И.В., Фоменко В.Н., (1972) усули бўйича сперматозоидларнинг ҳаракатчанлик вақти, спермазоидларнинг осмотик ва кислоталик резистентлиги, умумий ўлим, эмбрионал ва постэмбрионал ўлим кўрсаткичларини аниқлаш ўтказилди. «Она-ҳомила-янги туғилган чақалоқ» схемаси бўйича урғочи оқ каламушларнинг репродуктив ҳолати эмброгенез якунида ўрганилди (ҳомиладорликнинг 20 кунда).

Заҳарнинг биргаликдаги заҳарлилик таъсир механизмини, шунингдек заҳарли агентга мослашувчанлик қонуниятларини ўртача ҳарорат шароитида (18-21° С) ва юқори ҳарорат шароитида (32-38° С) ўрганиш мақсадида водород фторид мисолида унинг рефлексор таъсирини 0,5 дан 0,015 мг/м³ ўртача ҳарорат шароитида ва 0,32 дан 0,008 мг/м³ гача юқори ҳарорат шароитида ўрганилди. Шунингдек, фторнинг умумзаҳарли резорбтив таъсирини ўрганиш ўртача ва юқори ҳарорат (0,02 дан 0,0025 мг/м³) шароитида олиб борилди.

Бизлар томонимиздан организмга ингаляцион йўл билан тушишда токсикантларнинг заҳарлилик таъсири ривожланишини патоген механизмларини ўрганиш ва коррегирловчи воситаларни излаш, тамаки

чанги, аммиак ва фенол, формальдегид ҳамда кўрғошин ацетат аралашмаси мисолида олиб борилди. Аммиакнинг заҳарлилик таъсирининг коррегирловчи воситаси сифатида тажриба ҳайвонларининг эркаклари ва урғочилари учун қуйидаги концентрацияларда аскорбин (100 мг) ва жўка (10 мг) кислоталаридан фойдаланилди, улар ҳайвон танасининг 100 г оғирлиги ҳисобидан сувли эритма кўринишида меъда ичига юборилди. Фенол ($1,12 \pm 0,15$ мг/м³), формальдегид ($3,45 \pm 0,6$ мг/м³) ва кўрғошин ацетат ($0,1 \pm 0,012$ мг/м³) аралашмасининг заҳарли таъсирини иммунокорректорлаш сифатида тажриба ҳайвонлари 30 сутка давомида Гепамол препаратини (рег ос) ҳайвонларнинг 100 г тана оғирлигига 1 мл дозада қабул қилдилар; биофениколни тана оғирлигига 100 мг/кг дозада; тиамин (150 мкг), углерод кальций (225 мкг) ва аскорбин кислота (50 мг) витаминлар аралашмаси қабул қилдилар.

Тадқиқот маълумотларини Microsoft Excel ва Statistica 6.0. пакетидан фойдаланиб қайта ишланди. Умум қабул қилинган вариацион статистика методлари қўлланилиб, Студентни t-критерияси мезони бўйича тафовутларнинг ишончлилигига баҳо берилди.

Диссертациянинг «**Янги кимёвий ифлослантирувчиларни биолого-гигиеник ва токсикологик баҳолаш ҳамда уларни алоҳидалашган таъсирини ҳисобга олган ҳолда атмосфера ҳавосидаги гигиеник меъёрларини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида рефлексор ва резобтив таъсирини ўрганишда таъсир этувчи ва таъсир этмайдиган концентрацияларни, заҳира коэффицентини, ҳисоблаш усуллари билан хавфлилик синфини аниқлашда олиб борилган тажриба тадқиқотлари асосида ЎзР ССВ томонидан вақт бўйича дифференцияланган 35 кимёвий модданинг РЭМи ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, шулар қаторида 1 синф моддаларига-1, 2 синф моддаларига -9, 3 синф моддаларига-20 ва 4 синф моддаларига-5 турдаги препаратлар кириб, улар ЎзР Давлат санитария эпидемиология назорати маркази органлари, ЎзР табиатни муҳофаза қилиш ва Давлат экология кўмитаси, ЎзР Гидрометеорология кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси аҳоли турар жойлари ҳавоси сифат ҳолатини мониторингини амалга оширишда кенг қўламда қўлланилади (1-жадвал).

Диссертациянинг «**Комбинацион, комплекс ва биргаликда таъсирида кимёвий моддаларнинг биолого-гигиеник ва токсикологик тавсифи ҳамда аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосида уларнинг гигиеник регламентини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи боби 3 параграфдан иборат: §1-Организмга комбинацион таъсир этганда кимёвий моддаларнинг биолого-гигиеник ва токсикологик тавсифи; §2-Организмга бир вақтнинг ўзида ингаляцион ва меъда ичига тушган кимёвий моддаларнинг биолого-гигиеник ва токсикологик тавсифи; §3-Юқори ҳарорат–иссиқ иқлим шароитида кимёвий моддаларнинг биргаликдаги таъсирини биолого-гигиеник ва токсикологик тавсифи баён қилинган.

1 параграфда 6 та хар хил бинар ва мураккаб аралашмалардан ташкил топган гуруҳлардан олинган тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, жумладан: бинар аралашмалардан (кўрғошин ацетати + формальдегид;

аммиак + водород фториди) ва 3 компонентли (аммиак + формальдегид + чанг; фенол + формальдегид + кўрғошин ацетати) ва 4 компонентли (олтингугурт-II оксиди + азот II – оксиди + водород фториди + муаллоқ чангсимон модда; кўрғошин ацетати + формальдегид + олтингугурт II-оксиди + аммиак) мураккаб аралашмалардан иборат гуруҳлардан олинган натижалар баён этилган.

Каламушларни сутка давомида узлуксиз ингаляцион усул билан бинар ва мураккаб аралашмаларнинг нисбатан юқори концентрацияси билан заҳарлаш натижасида, ҳайвонларда умумзаҳарланиш ва гонадотоксик таъсир номоён бўлди, у МАТда (марказий асаб тизими) функционал ўзгаришлар, жигар, буйрак функциясининг бузилиши, ҳайвонлар организмнинг номахсус резистентлигини пасайиши, сперматозоидлар функционал ҳолатини ўзгариши ва эркак каламушларни уруғлантириш қобилиятини пасайиши билан номоён бўлди.

Комбинациялашган резорбтив таъсирини ўрганиш натижалари кичик концентрациялардаги фенол + формальдегид + кўрғошин ацетат аралашмаси ва кўрғошин ацетат + формальдегид + олтингугурт икки оксид + аммиак аралашмадаги моддаларнинг комбинациялашган таъсир характери «тўлиқ суммация» самараси бўйича юзага чиқади. Шунга кўра, ҳавони муҳофаза қилиш чора тадбирларини ишлаб чиқишда, фенол + формальдегид + кўрғошин ацетат аралашмасидаги ҳар бир модда концентрацияси 0,33 РЭМ дан ва кўрғошин ацетат + формальдегид + олтингугурт икки оксиди + аммиак аралашмаси учун 0,25 РЭМ дан ошмаслиги керак. 2-чи параграфда бир вақтнинг ўзида аэроген ва меъда ичига юбориш йўли билан кўрғошин ацетат ва фторнинг организмга таъсирини гигиено-токсикологик баҳолаш бўйича тажриба материаллари келтирилган.

Шу нарса қайд этилдики, заҳарларнинг биологик эквивалентлик коэффициенти ҳавода ва сувда бир хил эмас ва бу модданинг қиёсий концентрацияси (дозаси) даражасига ва токсик даража кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Масалан, юқори концентрация (доза) даражасида ингаляцион йўл билан тушган фтор 1,8 мартадан юқори (SH-гуруҳ) 7,8 мартагача (ишқорий фосфатаза бўйича) кичик концентрация (микдор) даражасида организмга оғиз орқали юборилган концентрациядан (микдордан) хавфлироқ бўлиб ҳисобланади. Юқори концентрациядаги ва дозадаги фторнинг комбинациялашган таъсир ($K_{кт}$) коэффициенти (14 мг/м^3 ва $52,5 \text{ мг/м}^3$ га мос ҳолда) 0,638 дан (СПП бўйича) 0,72 гача ўзгарди (ИФ бўйича) кичик концентрацияларда тушганда эса ($0,24\text{-}0,045 \text{ мг/м}^3$) ва дозада эса ($1,625\text{-}0,325 \text{ мг/м}^3$) 0,8 дан 1,03 чегарасида ўзгаради. Шундай қилиб, моддани ингаляцион ва меъда ичига юборилганда уларнинг йиғиндиси РЭМга нисбатан, 1 дан ошмаслиги керак ҳар бир муҳит учун алоҳида ҳисобланганда.

Ўзбекистон аҳоли яшаш худудларида атмосфера ҳавоси кимёвий моддаларнинг вақт бўйича дифференцияланган рухсат эътилган гигиеник миқдорлари (РЭМ)

Моддалар	РЭМ, мг/м ³				ҳавфсизлик синфи	ЎЗР ССВ томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжалар
	бир марталик	суткалик	ўртача ойлик	ўртача йиллик		
Алюминий фториди, кальций фториди, натрий гексафторальдегиди	0,1	0,05	0,03	0,015	2	СанҚваМ лар № 0179-04 Тўлдирилган № 1, 2006 й.
Натрий фториди натрий гексафторселюкат	0,015	0,01	0,007	0,005	2	
Тетрафторид кремнийси	0,01	0,008	0,004	0,0025	2	
Водород фториди	0,012	0,008	0,004	0,0025	2	
Ун чанги: арпа, сули, жавдари, жўхори, буғдой, нўхот, гуруч, соя	0,5	0,3	0,15	0,05	3	СанҚваМ лар № 0179-04 Тўлдирилган № 2, 2007 й.
Ацетатли ва вискозли ипак чанги, капрон, фенол, ПА-610 полиамид, фенол-формальдегид, фенол-фторли смола, тахта чанглари	0,3	0,15	0,08	0,04	3	
Полиметаллар чанги	0,001	0,0004	0,0002	0,0001	1	
Аминопласт чанги	0,5	0,15	0,08	0,04	3	
Азот-фосфорли ўғит чанги	0,3	0,15	0,1	0,05	3	
Далзлак-Т	0,045	0,035	0,025	0,020	3	№ 012-3/0168 2009 й.
Навруз	0,1	0,08	0,06	0,04	4	№ 012-3/0170 2009 й.
Далинка	0,04	0,025	0,01	0,005	2	№ 012-3/0196 2011 й.
Ривож	0,03	0,016	0,012	0,008	2	
СДД				0,3	4	
10 мкм гача чангсимон моддалар	0,3	0,15	0,01	0,005	3	№ 0293-11.
ГМТА-О-ОФМФ	0,075	0,05	0,03	0,02	4	№ 012-3/0216 2011 й.
АТИ-72	0,08	0,06	0,04	0,025	4	
Гумигрен	0,20	0,16	0,12	0,1	4	

Атмосфера хавосидаги кимёвий моддаларнинг бинар ва мураккаб аралашмаларининг комбинирланган таъсирини гигиеник баҳолаш таснифи

№ Ара лаш ма	Номи	Хавфли лик синфи	Агрегат холати	Комбинацион таъсир		Хар бир аралашма моддани нг РЭМ	СанҚваМ Услужий кўрсатмалар
				коэффициент	тафсифи		
1	Фтор водороди Аммиак	2 4	газ газ	1,22	тўлиқ бўлмаган суммация	0,61 РЭМ	СанҚваМ 0293-11
2	Кўрғошин ацетати Формальдегид	1 2	аэрозоль газ	1,36	тўлиқ бўлмаган суммация	0,68 РЭМ	СанҚваМ №0293-11
3	Аммиак Формальдегид чанги	4 2 3	газ газ аэрозоль	1,82	тўлиқ бўлмаган суммация	0,6 РЭМ	СанҚваМ №0293-11 2011 й.
4	Фенол Формальдегид Кўрғошин ацетати	2 2 1	пар газ аэрозоль	1,0	тўлиқ бўлмаган суммация	0,33 РЭМ	№012-3/0287 2016 й.
5	Олтингугурт II оксиди азота II оксиди Фтор водороди Муаллақ моддалар	3 2 2 3	газ газ газ аэрозоль	1,86	қисман йиғинди	0,46 РЭМ	СанҚваМ №0293-11.
6	Кўрғошин ацетати Формальдегид Олтингугурт II оксид и Аммиак	1 2 3 4	аэрозоль газ газ	1,0	тўлиқ йиғинди	0,25 РЭМ	№ 012-3/0287 2016 й.

§3 да иссиқ иқлим шароитида организмга фтор моддасини организмга ингаляцион йўл билан тушишида уни гигиено-токсикологик баҳолаш бўйича тажриба материаллари тақдим этилган. Юқори ($32-38^{\circ}\text{C}$) ва ўртача ($18-21^{\circ}\text{C}$) ҳарорат шароитида токсикантлар таъсирига организмнинг жавоб реакция характерини аниқлаш бўйича тадқиқот материаллари келтирилган. Шу нарса аниқландики, юқори ҳарорат шароитида водород фторид мисолида захарларнинг рефлектор бўсаға таъсири ўртача ҳарорат шароитига нисбатан 1,6 марта паст натижани кўрсатди. Водород фторидни 120 кунлик сурункали ингаляцион таъсирида, $32-38^{\circ}\text{C}$ ҳарорат шароитида препаратнинг $0,005\text{ мг/м}^3$ концентрация даражасида ($18-21^{\circ}\text{C}$ ўртача ҳарорат шароитида таъсир этмайдиган) таъсир этадиган дозага айланади. Юқори ҳарорат шароитида моддани рефлектор ва резорбтив таъсири янада яққолроқ намоён бўлиб, Ўзбекистон иссиқ иқлим шароитида захарларнинг токсик таъсири кучаяди, шунинг учун ҳам иссиқ иқлим шароитида препаратларнинг РЭМини 2 марта пасайтириш томонга қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Диссертациянинг «Газ ва чангсимон моддаларни сутка давомида узлуксиз ингаляцион таъсирида адаптив имкониятларни ўрганиш бўйича тажриба материаллари ва метаболлик жараёнларнинг коррекцияси» деб номланган бешинчи бобида аммиак билан кун давомида узлуксиз ингаляцион нафас олиш таъсирига учратилган лаборатор ҳайвонлардан мослашувчанлик жараёнини аниқлаш ҳолати бўйича олиб борилган тадқиқот маълумотлари келтирилган ($52,3\pm 0,87\text{ мг/м}^3$ ва $56,3\pm 0,95\text{ мг/м}^3$ концентрацияда); шунингдек 30 кун давомида фенол ($1,12\pm 0,15\text{ мг/м}^3$), формальдегид ($3,45\pm 0,6\text{ мг/м}^3$) ва кўрғошин ацетат ($0,12\pm 0,012\text{ мг/м}^3$) дан иборат аралашмалар ва 45 кеча-кундуз давомида узлуксиз тамаки чангини ($32,5\pm 1,8\text{ мг/м}^3$) ингаляцион таъсири ҳақидаги тадқиқот маълумотларнинг натижалари баён қилинган.

Олиб борилган тадқиқот натижасида шу нарса аниқландики, коррегирловчи препаратларни қабул қилиш фонида (аскорбин ва жўка кислотаси; гипомол; биофениколь; витаминлар аралашмаси: тиамин, кальций углерод ва аскорбин кислота; таъм берувчи моддалар; лакта-флор ва бошқа моддалар.) клиник статусининг ўзгаришлари кузатилди, яъни аммиак, тамаки чанги ва фенол аралашмаси, формальдегид ва кўрғошин ацетатларнинг захарлилик таъсирини пасайиши юзага келди, бунда бир қатор биокимёвий ва физиологик кўрсаткичларни назорат гуруҳи ёки фон маълумотлари томонига статистик ишончли равишда ўзгариши асослаб берилди.

Олинган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, экологик нохуш минтақаларда истиқомат қилувчи аҳоли саломатлиги ва осойишталигини сақлашнинг муҳим аспектларидан бири бўлиб иммунокоррекция усули билан организмнинг ҳимоя хусусиятларини ошириш учун бир қатор биологик фаол табиий воситалардан аҳоли ўртасида кенг фойдаланиш таклиф этилади. Лактофлор, витаминлар аралашмаси, таъм берувчи моддалар, биофеникол, Гепомолларни кучли намоён бўлувчи иммунокоррегирловчи самарасини ҳисобга олган ҳолда, уларни тамаки чанги, аммиак ва бошқалар аралашган

ўрганилаётган препаратлар аралашмаси таъсирига қарши профилактик восита сифатида тавсия этиш мумкин.

Диссертациянинг «Тошкент шаҳридаги атмосфера ҳавосини ифлосланиши билан боғлиқ бўлган газ, буғ ва аэрозол ҳолатидаги кимёвий моддаларни аҳоли саломатлигига хавфни баҳолаш» деб номланган олтинчи бобида 15 йиллик динамикада шаҳар атмосфера ҳавосига ташланувчи чиқиндилар даражаси устидан олиб борилган кузатув маълумотлари келтирилган. Бунда шу нарса аниқландики, 2000-2015 йилларда аҳоли киши бошига тўғри келадиган чиқиндилар умумий миқдори 225,6 минг тонна (2001 й.) дан 350 минг тоннагача (2015 й.) гача ўзгариб туради. Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосига ташланувчи чиқиндилар ўртача йиллик миқдори 115,39 дан 147,6 кг/ га қадар аҳоли жон бошига тўғри келади.

